

Корхоналар Фаолиятини Бошқаришда Самарадорликни Ошириш Йўллари

Эгамов Р. М.¹, Мирзаев З. А.², Алиева Н. Б.³

Аннотация: Ушбу мақолада ишлаб чиқариш корхоналарида самарадорликни ошириш ва уни бошқариш жараёнида ходимлар меҳнатини ташкил этиш, режалаштириш, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорликларни баҳолашнинг айрим масалалари қараб чиқилган. Қурилиш корхоналари фаолиятини бошқаришда самарадорликни оширишни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: Самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, режалаштириш, корхоналарни бошқариш, самара, ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқариш.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқаришда меҳнат жараёнларини тўғри ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва меҳнат самарадорлигини оширишга булган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу корхона ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатларининг кенгайиши ҳамда ўзларининг иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражасининг ошганлиги билан боғлиқдир. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис корхоналарга энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади. Хар бир корхона замонавий техника ва технологияларни жалб этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Шундай экан корхоналарни бошқаришда самарадорликни объектив ва субъектив ҳамда хар томонлама ўрганиш давомида, унга таъсир этувучи омилларни аниқлаш ва тизимлаштириш муаммоси бўйича илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар бериш бугунги куннинг долзарб бўлган асосий масалаларидан бири ҳисобланади деган фикрдаммиз.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев томонидан ушбу долзарб масаланинг ташкилий жиҳатлардан ҳал қилиш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижросини ишлаб чиқиш натижасида корхоналарнинг инновацион фаолиятини бошқариш юксалтиради, замонавий бошқарув механизмларини такомиллаштиради ва ташкилотларнинг меҳнат унумдорлиги даражаси янада ошади деб ҳисоблайммиз.

Шу муносабат билан, бундай юксак ва мураккаб мақсадга эришиш корхоналар фаолиятини бошқаришда самарадорликни ошириш учун комплекс ёндашувни амалга оширилишини талаб қилади. Демак биз биринчи ўринда самарадорлик тушунчаси, ва ўнинг корхоналар фаолиятини бошқаришда самарадорликни ошириш йўллари тўғрисида маълумотларни олиш зарур бўлади.

Адабиётларда “самарадорлик” тушунчаси, гарчи даромад олиш, ҳаражатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмаса-да, баҳо, фойда, даромад, ҳаражат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш

^{1, 2} Мирзо Улуғбек номидаги СамДАҚУ ўқитувчиси

³ Мирзо Улуғбек номидаги СамДАҚУ стажёр -ўқитувчиси



ҳаражатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур. Самара ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди. Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган ҳаражатлар (ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Ҳаражатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигининг меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонани бошқаришнинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналарни бошқариш фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу мақолада бизлар корхоналар фаолиятини бошқаришда самарадорликни ошириш йўллари фан-техника тараққиёти натижасида самарадорликни оширишда муҳим омил бўлиб келган. Олиб борилган назарий изланишлар ва вилоят корхоналаридаги амалий кузатувлар бундай муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларнинг ишлаб чиқилишига асос бўлган:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хомашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.



Ушбу таклифларларнинг корхоналар ва ташкилотларда жорий этилиши ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришда меҳнат унумдорлигини оширишди ва самарадорликни ошириш йўллари яратишга салмоқли хисса қўшади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎзР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.
2. Р.М.Эгамов, Б.К.Абдусаматов, Қурилиш индустрияси корхоналарини бошқаришда инновацион тадбирларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифланиши// Андижон, 2021 йил, 15 май, 80-83 бетлар.
3. И. Хотамов, Ш. Мустафакулов, М. Исаков, А. Абдувалиев., Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Ўқув қўлланма. Тошкент-2019, 163-б.

